Мен 50 ёшга тўлгандан кейин 20 йиллик ўқитувчи стажим билан иштингиз нафақасига чиқа оламанми? Менгиз икки нафар фарзандим бор. 14 йил қишлоқда, 6 йил шаҳарда ишлаганман.

М. Исмоилова.

Охириги марта қаерда ишлаганидан қатъи назар, белгиланган муддатдан 5 йил олдин (яъни эркаклар 55, аёллар 50 ёшда) нафақага ўқитувчилар ва бошқа халқ таълими ходимлари меҳнат стажини 25 йилдан кам бўлмаган тақдирда қишлоқ ҳуқуқига эгалар (Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларни давлат нафақаси билан таъминлаш тўғрисида»-ги қонунининг 12-моддаси).

Биз ўзимизга таниш бўлган биз фуқаро хонадон сотиб олган эдик, уша вақтда хонадон эгаси ўзингиз кейинчалик расмийлаштириб оласизлар, деб ишончнома бериб кетган эди. Ҳозирги вақтда бу фуқаро ўз оиласи билан чет элга доимий яшаш учун қўчаб кетган. Ишончнома мuddати эса ўтиб кетди. Айтингчи, биз шу хонадонни сотиб олаётигимизни қандай расмийлаштирсак бўлади?

Ш. Ризоев.

Ишончнома агар сотиш ҳуқуқи билан берилган бўлса, кўрсатилган муддат ичида сиз хонадоннинг олди-сотди шартномасини расмийлаштириб олишингиз керак эди. Агарда сиз хонадонни сотиб олганлигини тасдиқламоқчи бўлсангиз тегшли тартибда туман фуқаролик судига мурожаат этишингиз мумкин.

Мамлакатимизда фуқароларга тўланадиган давлат пенсияларининг турлари ҳақида билмоқчи эдим.

М. Воҳидова.

Давлат пенсияларининг қуйидаги турлари мавжуд: ёшга доир пенсия; ногиронлик пенсияси; боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этишлари мумкин.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар — 54 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Ногиронлик пенсиялари меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилган ҳолларда тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари эса вафот этган боқувчининг қарамоғида (20-модда) бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига берилади.

Жавоблар Юнусобод тумани 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ ва тахрират ходимлари томонидан тайёрланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига қўнғирқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Нон — азиз

Оёқнинг чигилини ёзай деб бу сафар «Эски Жўва» бозори томон йўл олдим. Олдин «Чорсу» буюмлар бозорини кезиб набираларга ул-бул нарса харид қилдим. Кейин қўша-қўша зиналар орқали юқорилаб мева-чева бозорига чиқиб бордим.

Хай-хай-хай, راستаларга дид билан териб қўйилган бири-бирдан чиройли, ранг-баранг маҳсулотларни кўриб кўз қамашди-я. Гуё фарқ пишиқчилик мавсуми, ўзингни худди мевазор боққа кириб қолгандек ҳис этасан-а. Бир-икки килограмм олма олай деб унинг нархини сўраб-суриштириб турсам орқадан биров: «Ха, Зийракбобо, бугун яна шаҳар кезибсизда» деб қолди. Бундай қарасам эски қадрдоним Донубува турдири.

Қучоқ очиб кўришдик. Икки ёрти бир бутун бўлиб тамадди баҳона ҳоли суҳбат қуриш учун таомхонага кирдик. Шу пайт рўпарамиздаги ўриндикқа ёшгина жувон тўрт-беш ёшли ўғилчаси билан келиб ўтирди. Бола-бола-да, столда турган қолдик нонни қўлга ола солиб дарҳол озгизга тикди.

Жувон бирдан ижирганиб боланинг қўлидан ва

дорихонанинг кимга көраги бор ўзи? Қачонки уни-сида ҳам бисёр бўлган дори, бунисиди ҳам истаганча топилса. Ундан кўра ўша дорихонанинг бири ўрнида ҳаммом қад кўтариб турса нур устига нур бўлмасмиди? Ахир Шарқ донишмандлари ҳаммомнинг киши танасига берадиган ҳузур — давосини унча-мунча хабдоридан фойдалироқ эканлигини ўз тажрибаларида бери неча бор санаб, сўнг тасвир этишгану.

— Тавба, — дейди бу ҳолдан таажжубга тушган Донубува, — илгарилари хар гўшада ҳаммом кўп, дорихона кам бўларди. Энди бунинг акси бўлибди-да.

Шу куни икки қария: «Қани энди бири-бирдан гўзал шарқона бозорларимиз сингари шахримизда биз қарияларга боп шарқона ҳаммомлар ҳам ишлаб турса айни мuddао бўлардида» деган орзуни дилимизга тугиб қўйдик.

«Хоҳлаган жойимда чипта пули оламан...»

«Фарҳод» бозоридан Сергели йўналиши бўйлаб

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

огзидан нонни тортиб олдида уни ерга улоқтирди.

— Қанақа юқотбсан ўзи, қолдик нонни ҳам ейсанми, — танбех берди боласига у.

Бола бечора мўлтираб бир онасига, бир ерда ётган нонга қаради.

Дарҳол ўрнимдан турдимда ердаги нонни олиб уни ўлиб пешонамга суртдим. Кейин:

— Унақа қилманг, синглим. Нон увол бўлади-я, — дедим унга хайратомуз тикилиб.

Жувоннинг жазаваси тутди:

— Уволидан кўрсангиз сиз олиб ея қолинг ўша қолдик нонни, — деди у биз қарияларга ўшқириб. — Тавба, биров билан нима иши бора бу эзма чолларнинг.

Афсуски, жувон бир нарсани тушунмади. Ахир биров билан ишимиз нима деб нон исрофгарчилигига истаганча йўл қўйдик. Агар бир кун нон бўлмай қолсам...

Ха, биродарлар, нон азиз, нон муқаддас. Уни хор қилганининг ўзи кун келиб нонга зор бўлади.

Рўпарамизда ўтирган жувон мана шу оддий ҳақиқатни тушунмаганидан афсусда эдик.

Ҳаммом ўрнида дорихона

Ошхонадан ранжиб чиқдик.

— Менга қаранг дўстим, — деди Донубува, — кўнглидаги ғуборни кўтариш учун бир ҳаммом қилмаймизми?

Бу гап менга ҳам маъқул тушди. Чорсудаги ҳаммомга борсак одам кўп экан. Навбат кутмайлик деб Эски Жўвадаги ҳаммомга келдик. Бу ерда ҳам ўша аҳвол — навбатда одам кўп.

Қайга борсак деб бошимиз қотди. Бир йигитдан сўраб-суриштирсак: «Қидириб нима қиласизлар, ундан кўра саунага бора қолмайсизларми», деб гани қалта қилди.

Хуллас шу куни шарқона ҳаммом қидириб анча-мунча йўл юрдик. Лекин борган жойимизда ҳаммом эмас, нуқул дорихонага дуч келдик. Шаҳримизда дорихоналар бу қадар кўпайиб кетганини шу куни билса-а. Хар қадамда дорихона. Албатта унинг бори, яқинлиги яхши. Хаста ахтиёжмандларнинг ҳожатини тез чиқаради. Бирок ёнма-ён қурилган эгизак

қатновчи автобусга ўтирди. Кечки пайт бўлгани учунми машина салони одамлар билан гажум эди. Нарн тур, бери тур қилиб икки қария ўриндикқа жойлашиб олди.

— Хурматли йўловчилар, чипта олишни унутманглар, — огоҳлантирди овозингиздан хайдовчи.

Шошиб қолмаслик учун олдиндан чипта пулини ҳозирлаб қўйдик. Лекин назоратчида дарак бўлмади. Шундан кейин йўл қира ҳақини тушаётганимизда хайдовчининг ўзига барарканмизда, деб ўйладик.

Назоратчи бекатда тушаётган йўловчиларнинг норози овози эшитилди.

— Бир жойда гўдайиб тургандан кўра салон ора-лаб чипта тарқатсанг бўлмайди?

— Иккала қўлим банд бўлса, тикилинча ҳамендан пул олишингиз ўзи бўладими? Олдиндан чипта берсанг бунақа қийин вазият бўлмайди-ку болам, — деди ёши ўтиб қолган аёл.

— Сизлар кўпчилик, мен биттаман. Шунинг учун хоҳлаган жойимда туриб чипта пули олавераман, — гўлдираган овози эшитилди назоратчи йигитнинг.

— Пулини олгандан кейин чиптасини бермайсанми?

— Чипта тамом бўлди.

— Ҳамиша шунақа, ярим йўл юрмай чипталаринг тамом бўлади сенларнинг.

— Пулини тўлаб индамай тушавермайсизми, отахон, — назоратчининг ёнани олган бўлди хайдовчи.

Назоратчи бекатда биз ҳам машинадан тушдик. Бу сафар чиптаси тамом бўлган назоратчининг қўлида бир тахлам чипта кўрдик. У фақат талаб қилганларгагина чиптанинг ярмини йиртиб берапти. Қолганлар эса бу «илтифотдан» ҳам бенавис тушиб кетишяпти.

Кимдир шу ҳақда гапирган эди, хайдовчи бу сафар ҳам назоратчининг ёнани олди. Бундай ҳолатни бошқа йўналишда қатновчи автобус салонларида ҳам тез-тез учратиш туриш мумкин бўлганлиги учун машина рақамини аниқ келтирмадик. Уйлаймизки гап эгасини топади.

ЗИЙРАК БОБО.

● Номаълум кимса куппа-кундузи С.В.нинг буйнидаги сариқ металлдан ясалган занжирини юлиб олиб, қочиб кетади. Ички ишлар ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли аввал судланган, тавбасига таянмаган Миробод туманида яшовчи В.Ю. қўлга олинди. Энди сариқ металлнинг нархи қимматга тушадиган бўлди.

● Ҳамза туманида яшовчи Б. О., ҳамда Тошкент вилояти фуқароси Ф. Улар кўнадан ўтиб бораётган Ж. К.ни пичоқ билан қўрқитиб, нархи 10.000 сўм бўлган костюми ва нархи 40.000 сўм бўлган плашини тортиб олиб, қочиб кетганлар. Милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни содир этган, аввал судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган текинтомоқлар қўлга олинди.

● Ҳамза туманида яшовчи номаълум шахс идорада турган «Камаз-53212» русумли автоуловдан 4 дона гилдираги-

ни ўғирлаб кетган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида А.Г. исмли «автохаваскор» далилий ашё билан ушланди. Тергов ишлари давом этмоқда.

● «Пойабзал устаси» бўлишни орзу қилган номаълум шахс Мирзо Улугбек туманида жойлашган ёзги «Феруза» кинотеатри пойабзал устaxonасига ойна орқали кириб, 3 та аёллар этиги, 1 та

«02»: ҲОДИСАЛАР

электр моторни ўғирлаб кетади. Тезкор кўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу ўғирликни содир этган В. К қўлга олинди.

● Кучини қаерга кетказишни билмаган ошналар Д. М. ва С. Р.лар Чилонзор туманида яшовчи А. М.нинг «Тико» русумли автоуловининг қулфини бузиб, қимматроқ ҳеч нарса топа олмадан хайдовчилик гувоҳномасини ва автоуловнинг техник паспортини ўғирлаб кета-

дилар. Ўз вақтида берилган хабар натижасида улар қўлга олинди.

● Ўз хатти-ҳаракатлари билан ички ишлар ходимларида шубҳа туғдирган Акмал Икромов туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, аввал ҳам судланган Ю. Б. ушланиб, ёнидан гиёванд моддаси олинди.

● Ҳамма нарсага фарибгарлик йўли билан эришиш мумкин, деб айрим кишилар хато қиладилар. Улар ўзгаларни лаққа тушириб, катта микдорда мўмай пул олиб, бир зумда бойишни истасалар керак. Худди шундай ҳолат юзасидан Миробод тумани ИИБга хабар тушди. Миробод туманида яшовчи, ишламайдиган, Х.З. С.Т.га АҚШ га ишга боришга ҳужжатлаштиришда ёрдам бермаган деб алдаб, 270000 сўм пулини олиб, қайтариб бермаган. Содир этилган фарибгарлик юзасидан ахтиёт чоралари кўрилиб, тергов олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар ИИБ Матбуот маркази.



Карнай садолари янграганда...

Шарқ дурдоналари



- Дилм ранжимасин десанг, гийбатчи бўлма.
- Гийбат — юракнинг безовта касали. У қалбимизни яралайдиган мудҳиш оғудир.
- Кишилар ҳаловатига гийбатчиликдек зарар келтирадиган иллат йўқдир, зеро бу касалга учраганлар нафақат ўзларини қийнашади, балки ўзгалар қувончига ҳам раҳна соладилар.
- Доно одам олдида қандай гап айтмайлик, у гапимизни ақл тарозисига ўлчаб, сўнг ўзимизга баҳо беради. Зеро, агар биз бирон одам гийбатини қиладиган бўлсак, доно ҳамсўхбатимиз эзгуликда бизнинг одамларга гараз ниятда эканлигимизни тушунади. Кейинчалик бизга хатто эътибор бермай қўяди. Чунки биз бошқа бир одам билан сўхбатлашганимизда унинг ҳам гийбатини қилишимизни тушунади.

Байт:
Биродар, ҳар кимки айласа гийбат,
Лойқидир ундайга дейилса лайлат.
Бундайларнинг жойи ҳаҳанман бўлур,
Гийбатчиға билсанг бу ҳам кам бўлур.

● Одоб ҳазинасини юрагига жойлашган бир йигит бор эди. У ўз бахтини тополмай, бир неча вақт сарсон ва саргардонликда юрди. У ердаги қийинчилик ва мақру ҳийлаларга қанчалик сабр қилмасин, биронта қўйма қўрмади. Қоронғу тунларни оғир халлар билан ўтказди.

Бир кун Анушервон мажлис уюштириб қолди. У ўз мулозимларидан:

- Энг юмшоқ нарса нима? — деб сўради.
- Утирганлардан бири: «Шоҳи», деди, иккинчиси эса: «Тоувқ патлари», деди. Бошқа бирови эса: «Ипақдан ҳам юмшоқ нарса бўлиши мумкинми?» деди. Шу онда халиги йигит ҳам сарой четига турган эди. Мулозимларнинг жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлган деди:
- Энг юмшоқ нарса тинчликдир.
- Анушервон унга офарин айтиди ва яна сўради:
- Энг яхши овқат қандай овқат?
- Шаҳроний ҳирси оширмайдиган ва танда ҳеч қандай иллат туғдирмайдиган овқат энг яхши овқат, — деб жавоб берди йигит.

Анушервон яна ундан:

- Гулларнинг энг хушбўйи қайси? — деб сўради.
- Энг ҳидли гул ота-онани тириклигида рози қиладиган, ўлгандан кейин эса уларнинг номини абадийлаштирадиган қобил фарзанд, — деб жавоб берди йигит.

Анушервон йигитни тақдирлади ва ўз ҳақаман орасига олди.

Байт:
Куннинг жамолини кўрай деса ким,
Тунда сабр қилмоқ ёлғиз чораси.
Гаваҳ қидирувчи меҳнатдан кўрска,
Қўлга чиқмағи дурнинг сараси.

- Нодон дўстдан кўра, ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошга соладики, кейин душман чангалидан қочиб қутулмайсан.
- Сўраб сурштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

● Заиф, кўрқок, алдамчи дўстдан душман афзал. ҚИССА. Тун билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳд-паймон қилишди. Бир кун тулки ўзича ов қилиб юрган экан оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганда тулки унга ёлворибди:

— Эй хайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим тунани кўрсатаман. У басавлат, серғушт, мен эса бир қичик озгин нотавон маҳлукман.

Шер дебди:

— Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб ейман. Шер ташлабди, тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб уни ҳам халок этдибди.

ХИССА. Дўст ташлашда шовилмаслик керак, аввал уни синаб, сўнг эътиمود этмоқ даркор. Ҳазинга ҳам дўстлик илларини бевафозлик, гаддорлик болтаси билан узманг. Илло, сизнинг бошингизга ҳам хийлагар тулкининг кунни тушмасин.

Байт:
Кимки дўстлиқни хор айлабди, уни —
Қисмат жазолагай — чикиб тутуни.

● Тўғри йўлдан юрган одам номусли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади. Ҳеч кимни алдамайди. Тўғрилиқдан ажралмайди, тўғрилиқнинг энг улўғ фазилат эканини билади.

● Фазилатли, олиёҳаноб одам фақат ўз фойдасининггина қўламайди. Халқ манфаати учун ҳам хизмат қилади. Ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмайди.

ХИКОЯТ. Бир донишманддан:

- Қайси айб, ярама одат ҳамма яхши хунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.
- Бахиллик, — деб жавоб берди донишманд.
- Яна сўрадилар:
- Қайси яхши хунар ҳамма айбни босади?
- Саҳийлик, — деди донишманд.

ХИКОЯТ. Анушервоннинг бир хизматчиси унинг ёнида бир кишини ёмонлади. Анушервон у қаҳқимга:

- У киши ҳақида айтганларингни яхшилаб текшираман. Агар тўғри сўзлаган бўлсанг, қаҳқимчи бўлганинг учун сендан нафратланаман, сени душманман деб биламан. Елгон сўзлаган бўлсанг, жазо бераман, қаҳқимчиликдан тавба қилсанг, кечираман, — деди.

Хизматчи қаҳқимчиликдан тавба қилди. Анушервон унинг гуноҳини кечирди.

Байт:
Гар қаҳқимчи ўз ишидан урса дам,
Қудратинг етса тилни қилгил қалам.

ЯХШИ ХУЛҚ ВА ВАФО ЗИКРИДА ИДРОК ВА ТАДБИР СОҲИБАСИ

Ҳинд ҳақимларининг ҳикоя қилишларича, бир киши сафарга чиқиб, йўлда тўрт кишига учраб, улар билан ҳамроҳ бўлиб борарди. У кишининг ёнида қимматбаҳо гаваҳри бўлиб, гаваҳрини ҳўққа солиб олган эди. Гаваҳрини подшоҳга совға қилиб олиб борарди. Шунинг учун ҳам тез-тез ҳўққа қараб кўра ва доим уни эҳтиёт қиларди. Ниҳоят, тўрт кишидан бири ҳўққа сиридан воқиф бўлиб, пайт пойлаб уни ўғирлади. Ҳўққа эгаси уйдан уйқочиб, унинг йўқлигини бадиб кўп изтироб чикади. У ҳамроҳларига кўп эътирозлар қилди, аммо фойда толмади. Бечора хомуш борарди. Ниҳоят, йўловчилар катта бир шаҳарга етиб, қарвон саройга жойлашдилар. Гаваҳр йўқотган киши шўх саройига бориб арз қилди:

— Мен шўх ҳазинасига қимматбаҳо гаваҳр олиб келаятган эдим, йўлда тўрт кишига ҳамроҳ бўлдим. Улар гаваҳрини ўғирладилар. Қанчалик ҳаракат қилмайин, гаваҳрини қайтариб ололмадим.

Подшоҳ мазкур тўрт кишини ушлаб қамашга фармон берди. Уларни зиндонга ташлаб сўроқ қилдилар. Табиийки, улардан ҳеч қайсиси иқрор бўлмади. Подшоҳ нима қилишни билмай хайрон, иқрор қилдириш йўлини тололмай таҳажж эди.

Подшоҳнинг бир соҳибамол, ҳар соҳада баркамол, ақл ва

ДОНИШМАНДЛАР ҲАЗИНАСИДАН

бир оз вақт берсанг, мен унинг олдига бориб, аҳдимни улдасидан чиқиб қайтсам. Ана ундан сўнг нима хоҳласанг шунга қил», — деди. Шер бу мижорани эшитиб, қизга йўл берди, қиз кетди.

Қиз озгина йўл юрган ҳам эдикки, унинг олдида бир ўғри чиқди. Уғри қизнинг ҳуснига ва қимматбаҳо тақинчоқларига сўқлаиб боқаркан: «Баҳтим ер бўлди, бутун умримга еттулик бойликни қўлга киритдим», деди. Уғри фурсатдан фойдаланиб, қизнинг қулгоғига балдоғи, бўйидаги марварид, билангагаки билангазук ва бармоқларидаги узукларини олишга ҳаракат қилди. Қиз ўғрига:

— Агар жувонмардлик қилсанг мени қўйиб юборгил, токи бонжа бориб, аҳдимнинг улдасидан чиқиб, сўнг қайтиб келиб, сенинг хизматингда бўлай, — деди. Уғри жаваҳрлардан умид узиб, қизга ижозат берди.

Қиз боғ эшигига келди ва эшикни тақиллашти. Боғбон эшикни очиб, шўх қизини кўргач, ўзини қизнинг оётига ташлади. Қиз унга: «Углингни чақир!» деди. Боғбон ўглини олиб келди. Қиз боғбининг ўглига қараб: «Эсингдами, сен билан аҳд қилган эдим. Аҳд-паймон йўлда ўз танимни фидо қилиб, ўша аҳдимнинг улдасидан чиқмоқчи эканман бу кеча сенинг олдингга келдим», деди. Боғбон ўғли ер ўлиб: «У пайтада мен қамолти ёшлиқдан нодонлик қилган эдим. Бу ёшлик одобсизлигидандир. Мен ўз нафсимдан кечдим, сен ўз аҳдинг улдасидан чиқдинг. Энди саломат уйингга бори!» деди. Қиз боғдан қайтиб, ўғрининг олдига келди ва ўғрига

МУҲАММАД АВФИЙ

«ЖАВОМИЙ ҲА-ҲИКОЯТ»

идрок бобида беназир, ҳар бир илм-ҳикमतдан хабардор қизи бор эди. Қиз отасининг изтиробга тушганини кўриб: «Мазкур тўрт кишини менинг олдimgа юборинг, гаваҳр қимматлигини аниқлаб бераман», деди. Подшоҳ буйруғи билан у тўрт кишини қизнинг хузурига келтирдилар. Уларнинг оёқ-қўллариди қишанларни ечиб, шўхона зиёфат қилдилар. Шундан сўнг, подшоҳ уларга, ҳар кунни келиб, менинг хизматимда бўлишингиз лозим, деди. Улар қабул қилдилар. Подшоҳ уларни ниҳоятда эъзозлар, шароб қўйиб берам ҳамда улар билан жаҳон аҳд-паймонларидан сўхбатлашарди. Кўнлар ўтиши билан улар ҳам аста-секин хавф-хатарни уншта бошладилар. Бир кун қиз уларга шундай деди:

— Шу кунларда бир нодон воқеа ва мушкул ҳолат рўй берди. Биз бу борада кўп қишлардан сўраб кўрдик. Энди сизлар ҳам сўраб кўрмоқчисиз. Зеро, сизлар жаҳонга шай, ҳар бир нарсадан хабардор, оқил ва ҳўшёр кишилардирсиз. Ҳайламанки, ақл ва идрок билан жавоб берурсизлар.

Улар кўп қовуштириб розилик билдирдилар. Қиз ҳикоя бошлади:

Бир подшоҳнинг қизи бор эди. Подшоҳ қизини ниҳоятда яхши кўрарди. Кўнлардан бир кун шўх қизи ўз қанчалари билан боғ сайрига чиқди. Сайр қилиб юраркан, иттифоқо, қизнинг қизи даррақ шўхига қирмашиб очилиб турган гулга тушди. Гул қизнинг кўзига ниҳоятда жозибали бўлибди. Қиздан нарироқда боғбиннинг ўғли турарди. Боғбиннинг ўғли кўрдикки, шўх қизига гул мақбул бўлди. У элдик қилин даррақ шўхиди гулни узиб қизга тутди. Қиз олди.

Уша замон маликаларига одат шу эдикки, ҳар ким уларга гул келтирса, унга хоҳлаган нарсасини ишон қилардилар. Қиз гулни олиб хушуд бўлди ва боғбон ўғлидан сўради: «Нима хоҳаятинг бор?» Боғбиннинг ўғли ёшлик қилиб ва қамолти нодонлигидан: «Агар сени зўра берсанлар, сен у билан бирга бўлишдан аввал менинг олдimgа келсанг, токи висолнинг боғидан гул терсам ва шундан сўнг эрингни олдига борсанг», деди. Шўх қизи рози бўлди ва келишга аҳд-паймон қилиб хайрлашди.

Ниҳоят, бир неча йил ўтган, вақт-соати келиб, қизни эрга бердилар. Ниҳок ҳечаси қиз эрини кўриши биланок ундан ижозат сўраб: «Мен боғбиннинг ўғли билан аҳд қилган эдим. Ҳозир унинг олдига боришим шарт. Зеро, аҳдинг улдасидан чиқмоқчи экан яхши алоқадордир», деди.

Эр қизга ижозат қилди. Қиз отуриб кўчага чиқиб, боғ томон кетаётган эди. Нодон олдидан бир шер чиқди. Шер ҳамлага хозирланди. Қиз шерга қараб: «Эй шер, билман, одамдоқ қисматдан қочиб қутулмайсан. Бирок ёшлигимда боғбон ўғли билан аҳд-паймон қилган эдим. Ҳозир унинг олдига кетаётган эдим. Менга

қараб: «Боғбиннинг ўғли мардлик қилиб, ўз нафсидан кечди. Мана энди менинг барча зебу зиннатим ва ихтиёри сенинг қўлигда, бу ёғини унинг биласан», деди. Уғри: «Сен аҳда вақо қилмоқ борисида ақл бовар қилмаслик даражасига ҳоноблик кўрсатдинг. Бундай қишга биринчи қилиш қўлимдан келмайди», деб қизни қўйиб юборди.

Қиз шер ёнига бориб. Шер тилга кирди: «Билгинки, мен шер эмасман, балки руҳонийлардан бириман. Сени синаш мақсадида йўл устига чиқиб ўтирган эдим. Сен вафодорликда яхши иш кўрсатдинг, сени ўлдиршга ҳождат йўқ. Энди саломат уйингга кет!» Қиз саломат уйига етиб келди ва юз берган воқеаларни эрига сўзлаб берди.

Шўх қизи қинокни тугатиб, мазкур тўрт кишига қараб: «Қани айтинлар-чи, сизлар қизнинг эри, шер, ўғри ва боғбон ўғли ҳақидаги хикояни эшитдинглар. Буларнинг ҳар бири ўз навабатида қизга жувонмардлик қилди. Аммо буларнинг орасида энг жувонмардироғи қайси бири эди?»

Улардан бири жавоб берди: «Боғбиннинг ўғли жувонмардорқидир. Унинг бошига бахт қуши қўнган эди, аммо у хоҳламади. Ҳу ихтиёри билан ўз нафсидан кечди».

Иккинчиси сўз олди: «Шер жувонмардорқидир. Зеро, у табиятдан биртўқ бўлса-да, ниҳоятда оқлигига қарамай шундай лазиз лўқмадан воз кечди».

Учинчиси тилга кирди: «Қизнинг эри жувонмардорқидир, зеро, у ўз хотинига воқеани била туриб, боғбон ўғли билан уршишга ижозат берди ва эру иродатга молик эканлигини кўрсатди».

Тўртинчи киши уридан туриб: «Уғри ҳаммасидан кўра жувонмардорқидир. Зеро, у барча зардан ўз ихтиёри билан воз кечди», деди.

Шўхнинг қизи мазкур тўрт кишидан жавобни эшитгач, ўз отаси хузурига ер ўлиб:

«Эй шўх! Бу тўрт киши табиятан бир-бирига эди қишларларди. Боғбон ўғлини таърифлаган киши табиятан шаҳватпараст, машаққатпараст кишилар, у доим шайтоний йўлга кириб, машаққат ҳақида ўлайди. Уни даргоҳиндан узок тут. Шерни мақтаган киши ер тўймак кишилар ва қорин бандасидир. Унга ейиш, ичиш, ушлаш бўлса бас. Нон бериш ишга буорсанг қилаверсан. Қизнинг эрини мақтаган киши беҳиммат кишидир. Кимки гайрат ва ҳимматдан баҳра олмасан, у жувонмардорқидир. Ҳамма инсоннинг шарофидан мақрудир. Аммо ўғрини мақтаган киши гаваҳр ўғрисидир. Гаваҳр ушбу кишилардир. Зеро, ҳар ким ўз табиятига мос гапни гапирарди, — деди.

Шундан сўнг, у кишини қайтадан сўроқ қилдилар. Даррақчақат, гаваҳр мазкур кишидан тоғилди.

Тўғри ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

«Адабий» бошқотирма

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофиға: 1. Хоразм дийоғига мансуб халқ достони қаҳрамони. 2. Қирғиз халқ эпоси. 3. Саъдий Шероший асары. 4. Немис мўғтоз шоири. 5. Алишер Навоий достониди халқпарвар, адолатлар шўх тинимсоли. 6. Беш мустанқил достондан иборат асар. 7. «Алишер Навоий» драмасы қаҳрамони. 8. Абдулла Қодирьяннинг «Уткан қўнлар» романидаги машўқча. 9. Мумтоз шериётнинг «Хос бўлган қофияланш тартибига кўра тузилган асар. 10. Ҳўбек мўғтоз шоири, газалнавис. 11. Улмас Умарбоқовнинг «Одам бўлиш қийин» романи қаҳрамони. 12. «Саъбия сайёр» достонидидаги бешинчи ҳикоя қаҳрамони. 13. Ҳар бир байитнинг биринчи мисраларидаги ҳарфлар сирасидан шор қаламга олган шахс номи келиб чиқадиган лирик шерь. 14. Ун тўрт мисрадан таркиб топган асар. 15. Чўлпон меросига мансуб «Кеча ва кундуз» романи қаҳрамони. 16. Марказий Осиё халқларига мансуб жангчона туркумиди афсоналардан бири. 17. Саид Аҳмадининг «Уфк» романи қаҳрамони. 18. Мумтоз шериётнинг хос топишмоқ асар. 19. Бадий асарда мустанқил воқеаларни маълум бир воқеа доирасига солиш, шерьият соҳаси. 20. Қимматлилик даражаси, маълумот. 21. Иркин настрий асар. 22. Асарни таҳлил ва талқин этиш. 23. Ҳўбек мўғтоз шоири, олими, тумурхўзода ҳўқмдор. 24. Ҳар икки мисрада алоҳида-алоҳида қофияланш борувчи шерь. 25. Халқ достонларини кўйловчи ижодкор. 26. Бадий асарнинг бош иштирокчиси. 27. Қўчимшилик даражаси, маълумот. 28. Ҳўбек маърифати ҳомийси «Падарқуш» сахна асарини ёзиб қолдирган ижодкор.


Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

Газетанинг шу йил 18 январь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:

Эниға: 2. Или. 4. Лок. 6. Уфа. 19. Йод. 21. Сол. 23. Тут. **Буйига:** 8. Икс. 9. Акт. 12. Акл. 13. Дон. 16. Ван. 17. Нон. **Белгиланган хонадан рақам атрофиға соат мили йўналишда:** 1. Иордания. 3. Исландия. 5. Гунтекин. 7. Нагасаки. 10. Сарисомиё. 11. Ордината. 14. Ложувард. 15. Наманган. 18. Фаргоний. 20. Искандар. 22. Олтинтоғ. 24. Фаластин.

Муаммонома

Шакл марказидаги рақамларда: Инсофлиннинг дили соф.



Муаммонома

Шакл марказидаги рақамларда: Инсофлиннинг дили соф.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

8332 нускада босилади. Қорғо бинини А-3

Душанба, қоршанба ва жума кунлари чақайди. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ҳўбекстон Давлат матбуот қўмитасидан 10-рўқами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларини почта бўлимагари етказиб «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоси акциядорлик компанияси босмохонаси. Қорғона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-ўй.

Рўзбехнинг башорати

Муҳаммад аз-Захирий ас-Самарқандий шундай ҳикоя қилади:

— Ҳамдод шаҳри яқинидаги бир тоғда маймунлар яшарди. Уларнинг Рўзбех номи қари ҳукмдори бўлиб ўз ҳаётида кўпни кўрган, дунёнинг иссиқ-совуғини татиған. Яхшилик ва ёмонликнинг келиб чиқиш ил-дизларини мушоҳада қила билган ақлли ва тазбиркор йўлбоши эди. Шунингдек, у ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини ақл-идроққа суянган ҳолда олиб борар, ўз қавмининг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши йўлида тинимсиз ғамхўрлик қилишни муқаддас бурч деб биларди.

Кунлардан бир кун Рўзбех тоғ қўққисидаги қоя тош устида ўтириб, шаҳарни томоша қиларди. Ногоҳон иссиқ-совуғини татиған. Яхшилик ва ёмонликнинг келиб чиқиш ил-дизларини мушоҳада қила билган ақлли ва тазбиркор йўлбоши эди. Шунингдек, у ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини ақл-идроққа суянган ҳолда олиб борар, ўз қавмининг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши йўлида тинимсиз ғамхўрлик қилишни муқаддас бурч деб биларди.

Рўзбех бу манзарани кузатаркан, ўз қавмларини ёнига чақириб:

— Пастга қаранглар, мен галати манзарани кўраётирман, — дейди.

Қавмлари пастга қарашаркан:

— Ҳа, ҳовлида аёл билан кўчор бир-бирлари билан ҳазиллашиб ўйнашмоқда, — деб жавоб берадилар.

— Бу яхшилик аломати эмас, бу қалтис ўйиннинг оқибати яхшилик билан тугамайди. Менимча, бизнинг бахтимизга муҳдих фалокатни келтиради. Бинобарин, биз ўз хотинларимиз ва бола-чақаларимизни олиб, дарҳол бошқа тоққа кўчиб кетишимиз лозим, — дейди Рўзбех.

— Қизиқ, агар кўчор ўз бекаси — аёл билан ҳазиллашиб ўйнашаётган экан, бунинг бизга нима дахли бор? — деб Рўзбехнинг раъйини қайтардилар.

— Мен сизларнинг бошлигиниздурман — деб сўзида давом этади Рўзбех, — бинобарин, менинг сўзларимга қўлоқ солиб, амал қилишингиз лозим эди. Агар сизлар сўзимга кирсаларингиз ва мен айтгандай ҳаракат қилсаларингиз, ҳавф солиб келатган офатдан омон қолишингиз мўқаррардир. Алҳол мен сизларнинг олдингиздаги бурчимни бажардим. Начора, энди мен хотинларим ва болаларимни олиб, бошқа жойга кўчиб ўтишга мажбурман.

Рўзбех ўша кунлик айтганини қилиб, бошқа жойга кўчиб кетди. Қавмлари эса Рўзбехнинг оқилона панду ўғитларига қўлоқ солимай, ақинча уни қарилки ва эсини еб қўйганидан айбашди. Зотан, улар доноларнинг «Еш киши кўзуга қараб кўрган нарсани кекса одам ғиштга қараб, ундан ҳам яхшироқ кўради», — деган сўзларидан беҳабар эдилар. Ҳолбуки, қариялар ҳар қандай воқеа-ҳодисаларнинг яхши-ёмон жиҳатларини олдиндан ўқий оладилар. Зеро, улар ўз ҳаётлари давомида кўпгина иссиқ-совуқларни бошдан кечиришган.

Шундай қилиб Рўзбех кўчиб кетгач, қавмлари ўзларига янги бошлик сайлаб, инон-

ихтиёрларини унга топшириб, яна аввалгидек ашай бошлаганлар.

Шаҳарда эса аёл билан кўчорнинг ўйини кунда такрорланарди. Кунларнинг бирида кўчор қалтисроқ ҳаракат билан сузиб, аёлнинг қўлини қайриб юборарди. Оғриққа чидай олмаган аёл, жон аччиғида ердан тош олиб кўчорнинг бошига зарб билан уради. Тош зарбидан кўчор бехўш бўлиб йиқилди ва бир оз вақт ўтгач ўзига келиб, ўридан туриб, қўйхонага кириб кетди. Аммо, унинг кўнглида бекасига нисбатан қасос ўти шуълаланади.

Кўйхонанинг орқасида эса подшоҳнинг 50 нафар жангари филлари турадиган оғилхона бўлиб, атроф деворлари ва томлари қамиш билан ўралган эди. Бинобарин, аёлнинг қўйхонаси билан филлар оғилхонасининг ўртасидаги девор ҳам қамиш девордан иборат эди. Тунда аёл кўчордан хабар олиш ҳамда унинг охирига хашак солиш мақсадида қўйхонага кирарди. Қоронғу бўлгани сабабли қўлида қосовни ёндириб олган эди. Қосовнинг хира ёруғида аёл қўйхонага кириб, кўчорнинг қаердалигини билмай, уён-буёнга кўз ташлаб қидиради. Кўчор эса қўлга фурсатдан фойдаланиб, аёлга қараб юрада ва аёлнинг қўлидан сузиб, охирига қалиштириб қўяди. Тасодифдан кўриб кетган аёл жон ҳолатда ёниб турган қосовни унинг биқинига ниқтайди. Шу заҳоти кўчорнинг қўлига ўт кетади. Ҳамма ўт кетганини пайқаган жонивор дарҳол аёлни бўшатиб, ўзини қамиш деворга уриб, ёнаётган жойини ишқаб, оловни ўчирмоқчи бўлади. Аммо бешафқат олов қуриб-шайлаб турган қамиш деворни ўз қомига тортади. Натижада дахшатли ёнғин содир бўлиб, занжирбанд филлар қоча олмади аланга ичида қоладилар. Нихоят, уларнинг бир қисми қўйиб ўлади, бир қисми оғир жароҳатланади. Бу фожиадан қара тоған подшоҳ, табибларни йиғиб филларнинг муолажасига юборарди. Табиблар филларнинг жароҳатини кўздан кечиргач, уларни даволаш учун ярага маймун ёғидан суртиш кераклигини, бошқа чораси йўқлигини арз қилдилар.

Подшоҳ ўзининг бир гуруҳ қўшинига маймунлар яшайдиган тоғни қўриш, уларни тутиб, ёғини олиб келишга фармон беради. Тонг отиши билан аскарлар тоғни ўраб олиб, маймунларни қира бошлайдилар. Бу ногоҳоний фалокатдан эс-хушини йўқотган маймунлар қийиллашиб қочиб, бироқ отилган қамон ўқиға нишон бўлардилар. Улар тушқулик ва умидсизлик билан қичқирадилар.

— Нима учун бизни ўлдирапсиз, нима ғуноҳимиз бор? Ахир неча замонлардан бунён ушбу тоғда яшаб, ҳеч бир жонзотга ёмонлик қилмаган эдик-ку. Бу фалокат қаердан бошимизга келди?

Аскарлар уларга аёл, кўчор, олов ва филлар воқеасини сўзлаб берадилар. Шунда улар афсус-надоматлар билан: — Дарвоқе, бизга бу фалокатлар ҳам ози! Зеро ўз йўлбошимиз — доно Рўзбехнинг панду насихатларини оғишмай қабул қилганимизда, бу мусибатларни кўрмаган бўлардик. Зотан қари билганини пари билмайди, деганлари рост экан, — деб йиғлашарди.

Аммо вақт ўтган, ғишт қолипдан кўчган, кечикан афсус-надоматга ўрин қолмаганди.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.



Кўрғанда лол қоламан

Ёзмай десам кўнгил қўймас,
Олдирди қўлга қалам.
Сенсиз кунларимдан
кўнглим тўлмас,
Дилда кўп ситам-алам.

Лек кўрғанда лол қоламан,
Жавоб топмай ўзимга.

Баланд тоғлар нени сўйлар,
Ё — дарди кўп мен каби,
Шунча алғов-далғови — ё,
Севги дегани китоби.
Анорбой АБДУРАИМОВ

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

— Сенга совчи келди! — дедим Йиғлаудек илжайиб.

(Яқин дугоналар суҳбатидан)
Кўкда янги ой нозик қошни чимириб маъноли жилмайиб турибди.

(Бошловчи сўздан)
Тракторнинг сафардаги ғалабаси.

(Шарҳловчи сўздан)
Жўжаларинг тухумга кирибди.

(Фермернинг ходимига дегани)
Соқивой тўйида столга торт тортиди. Ана торту мана торт. Узиям тонгача тортигимиз?

(Маҳалладошлар суҳбатидан)
Тўйчиловнинг тўйида то тонгача торт-торт бўлди.

(Маҳалла йиғинидаги суҳбат)
Ботирнинг кўзлари қосасидан отилиб чиқиб кетгудек даражада юмук.

(Ҳаваскор ёзувчи машқидан)
Шунақа қилиб, тўйларга кўмилиб ўтирибмиз.

(Кўни-кўшилар суҳбатидан)
Бунақа ширин узумни умримда емаганман. Асал-а, асал. Шунақанги ширинки, есанг лабинг ёпишиб қолади. Ишонмасанг, еб кўр.

(Ошиқ йиғининг совғилисига дегани)
Жонзот борки таъма билан яшайди. Таъма итиням, битиням ўзига ағдариб олади.

(Порахўрнинг дўстига насихатидан)
Каттани ака, кичини ука деб иш тут!

(Лаганбардорнинг ўлига маслаҳатидан)
Қош-қўзига сурма кўйгандек чиройли йиғит суҳбат тугаши билан яна қўлига китобини олиб завқ билан ўқиб кетяпти. Хатто чиройли кўзи, кам гўштинга юзюда қулги аломатлари ҳам кезади.

(Радиоловчадан)
Хўсанбой ТОЖИМАТОВ,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг катта ўқитувчиси.

Бўжиб дунё

Мўъжизавий воқеа
Американинг Калифорния шаҳрида 10 яшар Пегги Спиллейн ўз бошидан мўъжизавий воқеани кечирди. У қўққисдан 12 минг вольт кучлианли симни ушлаб олса ҳам тирик қолди. Хушидан кетиб қорая бошлаган қизга отаси етиб келиб ёрдам берди. У тош отиб қўзнинг қўлини симдан ажратиб олди. Шифокорлар тоқ уриши юрак қисқариши оралғидаги «танарфуд»да рўй берган деб тахмин қилишади. Одамлар тирик қолган қизчанинг умри боқий экан деб айтишмоқда.

Қўлга тушмас ўғрилар

Маълумки, янги 2002 йилдан бошлаб бир қатор Европа мамлакатларида ягона пул бирлиги — евро муомалага киритилди. Унинг қадри юқорилиги сабабли янги пулни ўғирловчилар тега топила қолди.

Хусусан, Италиянинг Рим шаҳри яқинидаги банк бўлимига талончилар босиб кириб, 260 минг евро пулни ўғирлаб кетишди. Маълум бўлишича, банк бўлими очилиши билан аёлларнинг сунъий соқларини қийиб олган уч киши босиб киришди. Улар бешта банк ходимини хожатхонага қамаб қўйдилар.

Шундан сўнг икки талончи менежерни топиб, ундан сейфни очиниши талаб қилишди ва пулни олиб, жудфакани ростлаб қилибди. Хозирча талончилар қўлга тушганларича йўқ.

«Отга — салтанат ярмиси»

Буюк драматург Шекспирнинг қаҳрамони Ричард III бир ўринда шундай ятоб қилади: «Отга, отга алмашман салтанатнинг ярмисин!» Ҳақиқатан, яхши от ҳамма даврларда ҳам жуда қиммат турган. Қадим замонда чопқир отга икки ярим килограмм кумуш берган. Ўша пайтда бу маблағга ўттиздан ортиқ қул ёки бир яримта қўй беради.

Рекордлар китобида

Пётербурглик Виталий Кричевский арок ичиб донг таратганлардан эмас. У хозир олтимиз тўрт ўшда, шу ёшгача қўлига қадаҳ олиб, арок ичмаган. Шунга қарамай бу хушёр инсоннинг бутун онгли ҳаёти ароққа боғлиқ.

Ҳап шундаки, Виталий Викторич номи яқинда машҳур Гиннесс «Рекордлар китоби»га қайд этилди. У «Водка — Адан Ягач» номи русча-немисча луғатини нашр эттирди. Луғатга «водка» сўзи билан бевосита боғлиқ 3828 афоризм, мақол, қадаҳ сўзи, шунингдек, ривояту латифалар жамланган. Виталий Кричевский дастлаб 900 сўздан иборат «Рус водкаси 500 ёшда» номи китобини ўз хисобидан чоп эттирганди. Немис тили ўқитувчисининг бу китоби жуда тез орада сотилиб кетди. Бундан руҳланган муаллиф изланиши давом эттириб, луғатни тўлдирди ва қўзлаган мақсадига эришди — Гиннесснинг «Рекордлар китоби»га кирди.

«Труд» газетаси муҳбирининг саволларига берган жавобда Виталий Кричевский Янги йил билан юртдошларини қутлаб, ўзи тўплаган ҳикматли иборалар орқали шундай тилак билдирди: «Ичишни ташлаб, пул йиғини бошланг!».

Кутилмаган операция

Стара Загора (Болгария) шаҳридаги бир касалхонада кутилмаган бир операция ўтказилди. Шифокорлар операция қилинган ўн ёшли боланинг қорин бўлишида киста (сув йиғилган қолча) ёки оддий иш бор деб тахмин қилишган.

Операция натижасида маълум бўлдики, у ҳеч қандай киста ёки иш эмас, балки мезърада ишлаб турган жигардан ташқари яна бошқа иккинчи жигар экан. Шифокорлар иккинчи — «ортиқча» жигарни олиб ташламоқчи. Бу бола шифокорлар назоратида саломатлигидан сира ноғилмай ўсди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция бош бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Игорь Заманович Назировга онаси

Александр Васильевна НАЗИРОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция бош бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Игорь Заманович Назировга онаси

Александр Васильевна НАЗИРОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция бош бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Игорь Заманович Назировга онаси

Александр Васильевна НАЗИРОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция бош бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Игорь Заманович Назировга онаси

Александр Васильевна НАЗИРОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция бош бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Игорь Заманович Назировга онаси

Александр Васильевна НАЗИРОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Инвестиция бош бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Игорь Заманович Назировга онаси

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

— Сенга совчи келди! — дедим Йиғлаудек илжайиб.

(Яқин дугоналар суҳбатидан)
Кўкда янги ой нозик қошни чимириб маъноли жилмайиб турибди.

(Бошловчи сўздан)
Тракторнинг сафардаги ғалабаси.

(Шарҳловчи сўздан)
Жўжаларинг тухумга кирибди.

(Фермернинг ходимига дегани)
Соқивой тўйида столга торт тортиди. Ана торту мана торт. Узиям тонгача тортигимиз?

(Маҳалладошлар суҳбатидан)
Тўйчиловнинг тўйида то тонгача торт-торт бўлди.

(Маҳалла йиғинидаги суҳбат)
Ботирнинг кўзлари қосасидан отилиб чиқиб кетгудек даражада юмук.

(Ҳаваскор ёзувчи машқидан)
Шунақа қилиб, тўйларга кўмилиб ўтирибмиз.

(Кўни-кўшилар суҳбатидан)
Бунақа ширин узумни умримда емаганман. Асал-а, асал. Шунақанги ширинки, есанг лабинг ёпишиб қолади. Ишонмасанг, еб кўр.

(Ошиқ йиғининг совғилисига дегани)
Жонзот борки таъма билан яшайди. Таъма итиням, битиням ўзига ағдариб олади.

(Порахўрнинг дўстига насихатидан)
Каттани ака, кичини ука деб иш тут!

(Лаганбардорнинг ўлига маслаҳатидан)
Қош-қўзига сурма кўйгандек чиройли йиғит суҳбат тугаши билан яна қўлига китобини олиб завқ билан ўқиб кетяпти. Хатто чиройли кўзи, кам гўштинга юзюда қулги аломатлари ҳам кезади.

(Радиоловчадан)
Хўсанбой ТОЖИМАТОВ,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг катта ўқитувчиси.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ»

Ўқувчилар энг яхши тайёргарлик қўришганини намойиш этди. Хусусан, баскетболдан ўсмирлар ва қизлар ўртасида юнусободликларга тенг келадиганлар топилмади. Енгил атлетика бўйича ҳам ушбу туман ёшлари зафар кучди. Волейболдан ўғил болалар ўртасида, стол теннисида шайхонтоҳурликлар, волейболчи қизлар ва белбоғли курашда Акмал икромовлик ўқувчиларга тенг келадиганлар топилмади.

Умумжамоа ҳисобида юнусободлик 5-7-синф ўқувчилари «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг яқиний учинчи босқичининг ғолиблари бўлдилар. Мирободликлар иккинчи, Мирзо Улўғбек тумани мактабларининг спортга ошно ўқувчилари учинчи ўринни эгалладилар.

Миробод туманидаги 110-мактабда 5-7-синфлар ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда 11 та спорт тури бўйича ғолиб чиққан 137 нафар ўқувчига эсдалик сонавгалари, ҳар бир спорт тури бўйича устунликка эришган жамоага махсус Кубоклар, дипломлар топширилди.

Энди 8-11-синф ўқувчилари ўртасидаги март ойида охириги босқич мусобақалари бўлиб ўтади. Тошкент шаҳри терма жамоаси ва вилоятларнинг жамоалари апрелда ҳал қилувчи баҳсга тўпланишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ



Ёш қаратқилар.

Миробод тумани ҳокимлиги томонидан «ISTIRONAT» хусусий фирмасига берилган думалок муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Телевизор жуда яхши нарсаси-да. Қўлига газета-журнал ушлашга вақти ёки хоҳиши бўлмаса ёхуд ўқуви йўқ инсонни барибир «ойнаи жаҳон» беҳитиёр ўзига қорлайди.

«Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилаётган «Маҳаллада дув-дув гап» кўрсатуви қизиқарли, долзарб муаммоларни ўртага ташлаяпти. Кўрсатув номининг ўзиёқ, айниқса турли ёшдаги, касбдаги қатнашчиларнинг ўзаро мунозараси, баҳс-тортишувлари ҳар қандай томошабинни фикрлашга, ўзига тегишли хулоса чиқариб олишга қорлайди.

Айниқса ёшларнинг ўртага ташлаётган фикрлари бизни хурсанд қилмоқда.

«Инсонларга бахтдан кўра бахтсизлик келтирадиган, уларнинг ҳаётига ташвиш келтирадиган урф-одатлардан воз кечмоқ керак». Ҳа, бу гапда кенг маъно бор.

Бизнинг меҳмондўст, сазий, бағри кенг халқимизнинг удумлари, урф-одатлари жуда бисёр. Никоҳ майли ўз йўлига, ҳар бир инсон умрида бир марта ба келин-куёвлик либосига бурканиб янги ҳаётга пок ният билан кириб келади. Ўзбек никоҳ тўйларининг ўзига яраша гашти ҳам бор. Бироқ бешик тўйи, қовурдоқлари ўғил тўйлари ва яна бошқа майда-чуйда маросимларни ҳам қатта маблағлар эвазига қимларди ўзини кўрсатиш учун, қимларди бола-чақасининг ризқидан қийиб ўтказиши шартмикан. Қулатувларимдан шу нарсаси амин бўлдимки, бундай урф-адатлардан мустафо бўлган замонавий, зиёли оилаларнинг фарзандлари вақтини ҳам, маблағини ҳам фақат болаларининг ўқишига, тарбиясига сарфлар экан.

Шундай оилалардан албатта келажакда етук мутахассислар, машҳур инсонлар етишиб чиқади.

Бир онахонни танийман. Икки қизни узатиб, тўрт ўғилни уйлантирган. Ҳар бир неварасининг бешик, ўғил тўйини қўйиб туриш, ҳаттоки қовурдоқларини

жалу тўполонларнинг туб илдизи қаердалигини суриштирсангиз, албатта, қатта-кичик йиғинлардаги арзиман «сеники-меники», «у олиб келди — бу олиб келмади» каби гап-сўзлардан келиб чиққан бўлади. Бир кунги ўша аёл билан суҳбатлашиб қолдим.

Аваллига роса турмушдан, келинлардан нолидилар-да сўнг ачинаш билан леди-лар: «Ўзбеклар фақат болам-чақам деб ўтиб кетаркан. Чет элда одамлар яшашни билди-да, палончи кинони кўрдингизми, кампирлари ҳам ўйин-қулгидан ортмайди-я» дедилар.

Мен уларнинг шунчалик соддаликларидан қулдим-да: «Э, опоқжон, агар сиз ҳам бутун умр бўйи йиққан-терганингизни бир кунлик тўйга сарфламай, топганингизни фарзандларингизнинг ўқишига, тарбиясига сарфланг, органига яхши дам олинглар», деб ўртатганингизда сиз ҳам

уларнинг гапларини тингларканман, орамизда туршунчаси тор шундай аёллар борлигидан афсусландим.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Биз улардан тегишли хулоса чиқариб олишимиз даркор. Ортиқча маросимлар ҳам оиланинг моддий-иқтисодий тарафига зарар етказсади, ҳам икки тарафнинг дилини хижил қиладиган, бир-биридан узоқлаштирадиган гап-сўзларни келтириб чиқарди. Энг ёмони ёш оилалар ўртасига совуқчилик тушди.

Тўй ва маросимларимиз анча ихчамлашаётган бир дамда яна бошқа бир янги-чиққан совуқчилик кўриб келишимиз олдин олишда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қорини қизларга қўйиб, тарбиясига сарфланг, органига яхши дам олинглар», деб ўртатганингизда сиз ҳам

уларнинг гапларини тингларканман, орамизда туршунчаси тор шундай аёллар борлигидан афсусландим.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Биз улардан тегишли хулоса чиқариб олишимиз даркор. Ортиқча маросимлар ҳам оиланинг моддий-иқтисодий тарафига зарар етказсади, ҳам икки тарафнинг дилини хижил қиладиган, бир-биридан узоқлаштирадиган гап-сўзларни келтириб чиқарди. Энг ёмони ёш оилалар ўртасига совуқчилик тушди.

Тўй ва маросимларимиз анча ихчамлашаётган бир дамда яна бошқа бир янги-чиққан совуқчилик кўриб келишимиз олдин олишда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қорини қизларга қўйиб, тарбиясига сарфланг, органига яхши дам олинглар», деб ўртатганингизда сиз ҳам

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Табиий газ учун тўлов бўйича имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаролар диққатига!

«Тошшаҳаргазтаъминот» ШК маълум қилади:

Имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаролар 2002 йил 1 февраль кунига имтиёзларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилишлари ва яшаш жойлари бўйича тумангазтаъминот филиалларида қайта рўйхатдан ўтишлари шарт.

Белгиланган муддатга қадар имтиёзлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим қилинмаса, фойдаланилган табиий газ ҳақи тарифининг 100 фоизи ҳисобида қабул қилинади.

«Тошшаҳаргазтаъминот» ШК маъмурияти

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан бири</